

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят
ахборот-кутубхона маркази директори



Х.Шерматова

“27” Октябрь 2022 йил

БУЮРТМАЧИ:

**Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона
маркази**

**Моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун маҳсулот
сотиб олиш.**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ
Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу ЙЎРИҚНОМА 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисидаги Қонунига асосан рўйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази моддий техник базасини мустахкамлаш учун сотиб олинishi режалаштирилаётган товарлар

1.2. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Маърифат кўчаси 31 – А уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан Қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда махсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми;
Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган товар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тулик бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Талабда курсатилган ҳужжатлар, Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар руйхати:

Коррупция кўринишларга йул куймаслик бўйича ариза;

Давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, низом, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари. Бенефициар маълумотлари;

Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот;

Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи (Солиқ ва мажбурий тўловлар (лизинг), кредитлардан қарзи йўқлиги (картотека-2) тўғрисида маълумотнома. Объект суммасинг берилган нархга нисбатан 70% маблағ ҳисоб рақамида мавжудлиги тўғрисида маълумотнома;

Ушбу танловда назарда тутилган ишлар қисқа муддатда бажариш бўйича ва етказиб берилган маҳсулотга 1 йил кафолат;

Инсофсиз ижрочиларни ягона реестрида йўқлиги ва унга банкротлик иши очилмаганлиги тўғрисида маълумотнома.

Таклифларни техник ва нархлар бўйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан кўрсатилган муддатда иштирокчилардан электрон шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг куйидаги критерийларга асосан нархлар бўйича баҳоланади.

№	Критерийлар номи, мазмуни	Энг юқори балл	% ҳисобида
1.	Коррупция кўринишларга йул қўймаслик бўйича ариза	10	80%
2.	Давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, низом, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари. Бенефициар маълумотлари.	10	
3.	Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот. (Stat UZ ни 2021 йил учун ҳисоботи илова қилинсин)	10	
4.	Танлов иштирокчисининг молиявий аҳоли (Солик ва мажбурий туловлар (лизинг), кредитлардан қарзи йўқлиги (картотека-2) тугрисида маълумотнома. Объект суммасининг берилган нархга нисбатан 70% маблағ ҳисоб рақамида мавжудлиги тўғрисида	20	
5.	Ушбу танлов да назарда тутилган ишлар қисқа муддатда бажариш бўйича ва етказиб берилган маҳсулотга 1 йил кафолат	10	
6.	Инсофсиз ижрочиларни ягона реестрида йўқлиги ва унга банкротлик иши очилмаганлиги тўғрисида маълумотнома	20	
7.	Товар етказиб бериш бўйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)	20	20%